

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚЎРИҚЛАШ НАРЯДЛАРНИНГ ХИЗМАТ ЎТАШ ЖАРАЁНИДАГИ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Хайдаров Саидваққос Аббосович

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
Магистратура тингловчиси, майор*

Рашидов Дилмурод Мамирович

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
Магистратура тингловчиси, майор*

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш нарядларнинг хизмат ўташ жараёнидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда наряд тушунчаси ва унинг хизмат жараёни ҳақида сўз боради.

Аннотация: В данной статье говорится о правах и обязанностях нарядов Национальной гвардии Республики Узбекистан во время их службы, а также понятия наряда и процесс их службы.

Annotation: This article talks about the rights and responsibilities of the outfits of the National Guard of the Republic of Uzbekistan during their service, as well as the concepts of the outfit and the process of their service.

Калим сўзлар: Наряд, қўриқлаш, нарядларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, наряд фаолияти, хавфсизлик чоралари.

Ключевые слова: Наряд, охрана, права и обязанности нарядов, деятельность нарядов, меры безопасности.

Keywords: Attire, security, rights and responsibilities of people, activities of outfits, security measures.

Бугинги кундаги фуқароларимизнинг бевосита хавфсизлиги ва ҳуқуқлари таъминланиши муҳофазаси билан бевосита шуғулланаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш фаолиятини келтиришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси куч ва тузилмалари давлатимизнинг иқтисодий барқарорлигининг асоси сифатида мамлакатда тадбиркорлик муҳити яратилишини таъминлаш, шу жумладан мулкнинг барча турларини ишончли қўриқланишини таъминлаш вазифасини бажарадиган, шунингдек жамоат хавфсизлигини таъминловчи муассасалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш фаолияти соҳасида Қўриқлаш бош бошқармасининг хизмат фаолияти кўрилаётган

хавфсизлик чоралари ҳажми ва ишончлилиги бўйича фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва манфаатларига, шунингдек, шахсий хавфсизлигига жинойӣ тажовузларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш бўйича умуммиллий чора-тадбирлар тизимида етакчи ўринни егаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 январдаги Қарорига асосан Қўриқлаш бош бошқармаси Миллий гвардия таркибига кирди. Ушбу бошқарманинг мақсади жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқӣ нормаларга риоя қилиш, хусусий ва давлат кўчмас мулкни қўриқлашдан иборат. Тизимни қайта ташкил этиш асосан функционал вазифаларни кенгайтириш, лавозим мажбуриятларини ўзгартириш ва бўйсунуш билан боғлиқ бўлди.

Келинг, шу ўринда қўриқлаш сўзининг асл маъноси ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Ўзбек тили луғатига кўра, “Қўриқлаш” тушунчасининг ўзи “қўриқ” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “ҳимоя қилиш, муҳофаза қилиш, сақлаш” деган маънони англатади. Демак, “қўриқлаш” сўзини “бировни, бирор нарсани тажовуздан сақлашга, ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатлар” деган маънода тушунишимиз мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, “қўриқлаш” ва “қўриқлаш фаолияти” давлатнинг кўплаб ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 июндаги “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни қўриқлаш фаолиятини амалга оширишда катта аҳамият касб этди.

Қўриқлаш тизимидаги ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4997-сон қарори асосида ўтказилаётган ислохотлардан кейин содир бўлди. Қўриқлаш хизмати субъектлари сифатида Қўриқлаш бош бошқармасининг ҳудудий бошқармалари ва шаҳар-туман қўриқлаш бўлинмалари ташкил этилиб, уларга мавжуд қўриқлаш хизматининг куч ва тузилмалари ўтказилди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, қўриқлаш тизимида асосий вазифани нарядлар бажаради. Демак, наряд ўзи ким? Қўриқлаш хизмати нарядларининг фаолияти ташкил этилади? **Наряд** – объект ёки унинг бир қисми қўриқланишини таъминлайдиган, моддий-товар бойликларни кузатиб бораётган, қўриқланаётган объектлардан тушган «ташвиш» хабарига тезкор таъсир кўрсатиш борасидаги тадбирларни амалга оширадиган қўриқлаш хизмати ходими (ходимлари). Қўриқлаш хизмати нарядларининг хизмати саккиз соатлик ёки ўн икки соатлик сменалар асосида ташкил этилади.

Объектнинг жойлашуви, унинг ва хизмат ўташнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, нарядларнинг хизмати суткалик ва вахта усулида ташкил этилиши мумкин. Нарядлар хизмати 24 соатлик сменалар

асосида ташкил этилганда, наряд аъзоларининг ҳар бирига навбатма-навбат овқатланиш ва қисқа муддатли дам олиш учун уч сменалик режимда саккиз соат, тўрт сменалик режимда олти соат вақт ажратилади.

Энди эса, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш нарядларининг хизмат ўташ жараёнидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида тўхталиб ўтсак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 февралдаги ПҚ-4997-сон қарорининг 3-бобида мазкур масала мустаҳкамлаб кўйилган. Унда айтилишича, кўриқлаш бош бошқармасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари эга:

➤ кўриқланаётган объектлар мансабдор шахслари, ишчи-хизматчилари ва объект ҳудудидаги бошқа шахслардан ички, рухсат бериш режимларига риоя қилишни ҳамда жамоат тартибини сақлашни талаб қилиш;

➤ кўриқланаётган объектлардаги мол-мулкни сақлаш шарт-шароитлари, кўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари ҳолатини текшириш;

➤ кўриқланаётган объект маъмуриятига, мансабдор шахсига, шартнома шартларига мувофиқ объектни муҳандислик ва техник мустаҳкамлигини таъминлаш, сигнализация тизимлари ва видеокузатув билан жиҳозлаш бўйича тақдимнома киритиш;

➤ давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига тузилган шартномага мувофиқ бажарилиши мажбурий бўлган, кўриқлаш фаолиятини ташкил этиш, муҳандислик ва техник мустаҳкамлик, шунингдек, объектларнинг ички, рухсат бериш режимларидаги камчиликлар ва хатоларни бартараф этиш борасида тақдимномалар киритиш;

➤ кўриқланаётган объектдан мол-мулк, моддий бойликлар ва турли юкларни ноқонуний олиб чиқишга ёки олиб киришга уринаётган шахсларни ушлаш;

➤ кўриқланаётган объектларга ноқонуний кирганлар ёки ҳуқуқбузарлик қилганларнинг шахсини аниқлаш ва маъмурий баённома тузиш мақсадида ушлаш ва кўриқлаш хизмати хоналарига олиб келиш, ушлаб туриш, зарур ҳолларда эса — тегишли қарор қабул қилиш учун уларни ҳудудий ички ишлар органларига топшириш;

➤ қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ кўриқлаш пости ҳудудида фуқароларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларини текшириш, агар уларда қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари, қуролнинг асосий қисмлари, портловчи, радиоактив ёки заҳарли моддалар, портлатиш қурилмалари, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорлари ёхуд муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган бошқа нарсалар, кўриқланаётган объект ҳудудига олиб кирилиши ва ундан олиб чиқиб кетилиши тақиқланган ашёлар, буюмлар, воситалар бор деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлса, фуқароларни шахсий кўриқдан ўтказиш, уларнинг

ашёларини, қўл юкини, багажини кўриқдан ўтказиш ҳамда мазкур нарсалар, воситаларни ва моддаларни олиб юриш ҳамда сақлаш учун қонуний асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, уларни олиб қўйиш, транспорт воситаларини кўздан кечириш ва ташиб ўтилаётган юкларнинг товар-транспорт хужжатларга мувофиқлигини аниқлаш;

➤ содир этилаётган жиноятларни тўхтатиш, шунингдек, уларни содир этган шахсларни таъқиб этиш ва ушлаш, бир вақтнинг ўзида бир неча объектда “ташвиш” сигнализацияси ишлаб кетган ҳолларда ички ишлар органлари ва Миллий гвардия патруль гуруҳларини чақиритиш;

➤ ўз ваколати доирасида мансабдор шахслардан тушунтиришлар, маълумотлар ва хужжатлар олиш;

➤ фуқаролар ва мансабдор шахслардан хизмат вазифалари бажарилишига тўсқинлик қилувчи ҳуқуқбузарликлар ва хатти-ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш, ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда, қонун хужжатларида назарда тутилган тегишли чораларни қўллаш;

➤ кўриқланаётган объектлар назорат-ўтказиш жойлари ва ҳудудларида ноқонуний олиб чиқиладиган (олиб кириладиган) мол-мулкни аниқлаш ва олиб қўйиш, шунингдек, ғайриқонуний ҳаракатларни аниқлаш учун фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, текшириладиган мол-мулк ва атроф муҳитга зиён етказмайдиган замонавий техник воситалардан фойдаланиш;

➤ кўриқланадиган объектларга ғайриқонуний равишда кирган ёки киришга уринган шахсларни аниқлаш, бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда хизмат итларидан фойдаланиш;

➤ қонун хужжатларига мувофиқ кўриқланаётган объектларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этишга кўмаклашиш;

➤ қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва белгиланган тартибга мувофиқ жисмоний куч ишлатиш, ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ва улардан фойдаланиш;

➤ ўз ваколати доирасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича баённомалар тузиш;

➤ юридик шахслардан ўз ваколати доирасида идоравий кўриқлаш фаолиятини ташкил қилиш юзасидан ёзма ва оғзаки маълумотларни сўраб олиш;

➤ жамоат хавфсизлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни кўриқлашни тўлақонли таъминлаш учун ҳудудларда патрулликни ташкил этиш билан боғлиқ ҳолда техник воситаларнинг бутун комплексидан фойдаланиш;

➤ махсус ёруғлик сигналларига ва товушли сигналларга, бўёқли рангли графика схемасига эга махсус автотранспорт воситаларига эга бўлиш.

Кўриқлаш бош бошқармаси қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- ✓ жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ўз ваколатлари доирасида ҳимоя қилиш учун барча зарур чораларни кўриш;
- ✓ объект маъмурияти томонидан Қўриқлаш бош бошқармаси бўлинмаси раҳбарлари билан келишган ҳолда тасдиқлаган кириб-чиқиш йўриқномасига асосан объектда ички ва рухсат бериш режимига риоя этилишини таъминлаш;
- ✓ қўриқланаётган мол-мулкнинг ўғирланиши ёки бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хўжасизлик ва бепарволикнинг ҳар қандай кўринишига ўз вақтида муносабат билдириш;
- ✓ хизматни ўташ жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;
- ✓ қўриқланаётган объектда жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик изларининг сақланишини таъминлаш;
- ✓ қўриқланаётган объектда ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, уларни содир этишга олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш;
- ✓ қўриқланаётган объектда ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойда жабрланган, шунингдек, ночор ҳолатдаги фуқароларга биринчи тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш борасидаги чораларни кўриш;
- ✓ қўриқланадиган объектларда табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда ҳодиса ва ҳолатларнинг олдини олиш, уларни бартараф этишда иштирок этиш;
- ✓ ишониб топширилган табел қуроллар, махсус ва техник воситалар, шахсий ҳимоя воситалари, хизмат кийим-бошлари, мол-мулкни эҳтиёт қилиш ва уларнинг соз ҳолда сақланишини таъминлаш;
- ✓ бўлинмаларнинг жанговар тайёргарлигини таъминлаш, шунингдек, хизмат-жанговар, ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-психологик ва жисмоний тайёргарлик бўйича тегишли дастурларда белгиланган машғулотларнинг шахсий таркиб билан ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш;
- ✓ бўлинмаларда белгиланган тартибда сафарбарлик тайёргарлигини ташкил этиш ва таъминлаш.

Кўришиб турибтики, Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси куч ва тузилмалари давлатимизнинг иқтисодий барқарорлигининг асоси сифатида мамлакатда тадбиркорлик муҳити яратилишини таъминлаш, шу жумладан мулкнинг барча турларини ишончли қўриқланишини таъминлаш вазифасини бажарадиган, шунингдек жамоат хавфсизлигини таъминловчи ҳамда ўз вазифасини бажаришда қонун доирасида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга органлардан биридир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш фаолияти соҳасида Кўриқлаш бош бошқармасининг хизмат фаолияти кўрилаётган хавфсизлик чоралари ҳажми ва ишончилиги бўйича фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва манфаатларига, шунингдек, шахсий хавфсизлигига жиноий тажовузларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш бўйича умуммиллий чора-тадбирлар тизимида етакчи ўринни эгаллайди ва бу борада эса кўриқлаш нарядларнинг хизмат ўташ жараёнидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳуқуқий асосларини билиш ҳамда амалда тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 20.02.2021й. ПҚ-4997сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни.
3. Мадвалиев А. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, (2006-2008).
4. Н.Н.Шамшетов, илмий мақола: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тизимида кўриқлаш фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

Электрон манбалар:

1. <https://lex.uz>
2. <https://www.gazeta.uz>
3. <https://ziyouz.uz/>